# Маданий меросимиз — йўлчи юлдузимиз

***Маданий меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни халқимиз, миллатимизнинг ўзлигини англаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини янада кучайтириш борасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Зеро, дунёдаги барча миллат ва элатлар ҳам ўз маданиятларини сақлаш, муҳофаза қилиш, ривожлантириш ва бу маданият фақат ўзларигагина тааллуқли эканлиги, уларни бошқалардан ажратиб турувчи асосий воситалардан бири эканлигини англайдилар, фахр-ифтихор қиладилар.

Шу боис, бугунги кунда халқаро ташкилотлар ҳам халқларнинг ўз миллий хусусиятларини сақлаб қолишларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Маданий мерос масаласида халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича шуғулланувчи ЮНЕСКО ташкилоти томонидан бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган.

5-бет

# Маданий меросимиз — йўлчи юлдузимиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ҳужжатлар барча халқлар томонидан яратилган маданий ва табиий бойликларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва келажак авлодга етказиш учун хизмат қилади. Шу билан биргаликда халқаро майдонда норматив-ҳуқуқий жиҳатларни белгилаш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишда восита ролини ўйнайди. Бугунги глобаллашув жараёнида миллий-маданий меросни сақлаш, ҳар бир халқнинг ўзига хослигини эъзозлаш билан дунёнинг ранг-баранглигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши халқаро ҳужжатларнинг бош ғоясига айланмоқда. Масалан, айни пайтда ЮНЕСКО томонидан бевосита маданий бойликларни сақлашга доир бешта, яъни ҳарбий можаролар пайтида маданий меросни муҳофаза қилиш (1954 йил 14 май), қабул қилинган Маданий меросни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва мулкни бошқаларга беришни олдини олиш ва таъқиқлаш (1970 йил 14 ноябрь), Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни сақлаш (1972 йил 16 ноябрь), Сувости маданий меросни сақлаш (2001 йил 6 ноябрь), Номоддий маданий меросни сақлаш (2003 йил 17 ноябрь) тўғрисидаги Конвенциялар амал қилмоқда.

Кўриниб турибдики, амалдаги халқаро ҳужжатлар дунёда барча миллат ва элатлар ўз маданий мероси ва бойлигини сақлашлари учун амалий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

Асрлар оша сайқалланиб келаётган маданий меросимизни асраб-авайлаш, янада мукаммаллаштириш, келажак авлодга етказиш ва шу асосда аждодлар руҳини шод этиш бош вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Ана шундай мақсадлар муштараклиги жамланган ва эзгуликка йўғрилган халқаро ҳужжатларга мамлакатимиз ҳам қўшилган, ўз Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатларида маданий меросни сақлаш, муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланган XI боб 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган бўлса, 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган. 55-моддада эса "Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб қайд этилган. Бош Қомусимизнинг ана шу моддалари асосида бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, 2001 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун, 2009 йил 10 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Қонун, 1998 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 12 декабрдаги ЎРҚ-122 – сон Қонуни билан ратификацияланган "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро Конвенция", 2009 йил 13 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" ги Қонунлар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, маданий меросни асраш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш мақсадида Туризм, Архивлар, Ер, Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ҳам қабул қилинганлигини таъкидлаш жоиз.

Мазкур қонунлар мажмуи мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш ва тасарруф этишни тартибга солади. Мамлакатимизда бу борада фақат қонунлар қабул қилиш билан чегараланиб қолмасдан кенг қамровли ишлар ҳам олиб борилмоқда. Маданий ёдгорликларни таъмирлаш, асл ҳолига келтириш, йўқолиб кетган тарихий ҳужжатларни йиғиш, осори-атиқаларни олиб келиш, тарих қатларида пинҳон қолиб кетган муборак номларни тиклаш, улар учун муносиб зиёратгоҳлар ташкил этиш, юбилейларини ўтказиш ишлари юқори савияда ташкил этилмоқда.

Тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадамжоларимизни зиёрат қилиш, осори-атиқаларимиз билан танишиш, улуғларимизни ёд этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли, таълим муассасалари ўқувчилари, талаба-ёшларга ана шундай муборак жойларни бориб кўриш мақсадида саёҳатлар ва экскурсиялар учун шароитлар яратилмоқда.

Маданий меросни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ундан ғурурланиш фақат қонунлар билан эмас, балки Ватанни севиш, унинг фидойиси бўлиш, ота-боболар амалини давом эттириш, бир сўз билан айтганда ватанпарвар — юксак маънавият соҳиби бўлишни ҳам тақозо этади.

Бугунги тезкор, барча соҳалар жадал ривожланиб бораётган пайтда, айниқса, ахборот технологияларининг юксалиши маданиятлар қоришуви хавфини ҳам келтириб чиқармоқда. "Оммавий маданият" деган ном остида оммавий адабиёт, оммавий мусиқа ва бошқа оммавий кўринишларнинг дунё ранг-баранглигига раҳна солаётганлиги, албатта, ташвишланарли ҳолдир. Шу боис, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида тарихий, маданий қадриятлар, аждодларимизнинг ижодий меросини ўзлаштириш воситасида қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидлар ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашни таъминловчи чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, шунингдек, миллий мустақил тафаккур, юз бераётган ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий ва интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, паст савияли «оммавий маданият»нинг кириб келишига қарши курашишдек долзарб вазифалар ўрин олган.

Дастурнинг ўнинчи бўлими "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш" деб номланган. Унда азалий қадриятларимизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бизнинг меросимиз бизни ҳимоя қилади. Ота-она боласини ҳимоя қилганидек аждодлар руҳи ҳам авлодларини ҳимоя қилади.

Бугунги кунда маданий меросимизни тарғиб этишда ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, ўзбек халқ эртак ва достонлари сюжети асосида болалар ва ёшлар учун 10 та мультипликацион, 4 та бадиий фильм, ўзбек халқининг бой тарихи, миллий анъаналари, атоқли кишиларнинг ватанпарварлиги, ҳаёти ва ижоди тўғрисида 6 та миллий сериал, 6 та ҳужжатли фильм яратиш кўзда тутилганлиги катта аҳамиятга эга. Бугунги ижодкор ёшлар нафақат тарих, география, адабиёт, мутахассислик фанлари, балки ахборот ва коммуникация технологияларини ҳам пухта ўзлаштиришлари зарур бўлади.

Бундан ташқари, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун Ўзбекистоннинг тарихий мероси, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини очиб берувчи телекўрсатувлар учун махсус рукн ташкил этиш ҳам режалаштирилганлиги ёшларимизнинг дунёқарашини ўстириш, ватан деган муқаддас тушунчани улар онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида 2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган жаҳон ва ўзбек адабиёти классикларининг асарлари, уларни лотин графикасида китоб ва электрон шаклларда нашр этиш, болалар учун ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги расмли китоблар, ўтган аждодларимизнинг маънавий жасоратлари, қаҳрамонликлари тўғрисидаги буклет, рисола, плакат ва мақолалар, ёшлар учун Ўзбекистоннинг барча тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган китоб-каталоглар тайёрлаш ва нашр этиш каби чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи бўйича етакчи олий таълим муассасаларимизда минтақа тарихи, археологияси ва этнографиясига бағишланган мавзули сайтларни яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари, миллий ғоя, илм-фан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари расмий сайтлари негизида электрон совринли викторина ва тестлар ташкил этиш масалалари ҳам дастурда ўз аксини топган.

Миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурсларни янада кенгайтириш мақсадида «ZiyoNET» тармоғи ресурсларини ахборотлар жиҳатидан ривожлантириш ҳамда республика олий ўқув юртлари, лицейлари, коллежлари ва мактабларида «ZiyoNET» тармоғининг имкониятлари ва ахборот-ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларидан ёшларимизнинг тарихимиз, маданий меросимиз, қадрият ва анъаналаримизни ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ишлар билан тўлдириш мақсади кўзда тутилган. Бундан ташқари, маданий меросимизни ўрганишда музейларнинг аҳамияти беқиёс эканлиги эътиборга олиниб, дастурда аҳолининг кенг доираси, биринчи навбатда, болалар ва ўсмирларни маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида 18 ёшгача бўлган болалар учун давлат музейларига киришнинг бепул тартибини жорий этиш, Республика ва халқаро ёшлар туризмини ривожлантириш, айниқса, кам таъминланган оилалар болалари ҳордиғи ва дам олишини таъминлаш, халқаро туризм ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни назарда тутувчи тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон музейлари тўғрисида телекўрсатув, радиоэшиттириш ва мақолалар туркумини тайёрлаш вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, дастурда халқимизнинг тарихи, азалий удумларини ёшлар ўрганишлари, асраб-авайлашлари ва сайқаллаштириб боришлари мақсадида танловлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Маҳалла — Ватаннинг бир бўлаги. Маҳалласи тарихини билган инсон Ватан тарихига ҳам қизиқиши табиий. «Менинг маҳаллам тарихи» танлови ёшлар ўртасида ўз маҳалласи тарихининг билимдонларини кашф этиши ва ёшларни бунга ундаши шубҳасиз. Ёхуд оналар алласи халқимизнинг энг буюк донишмандлиги маҳсулидир. Ёш оналар ўртасида халқ қўшиқлари, мақомлари ва аллаларнинг энг яхши ижрочилари учун «Оналар куйлаганда», ҳунарманд қизлар ўртасида минтақаларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, энг яхши дўппи тикиш бўйича «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» танловларининг ўтказилиши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этиши, шубҳасиз.

Асрлар оша сайқалланиб келаётган, ўзига хослигимизни намоён этадиган, ёшларимизни эзгуликка етаклайдиган маданий меросимизни асраб-авайлаш, ёшларимиз онгига сингдириш "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий вазифалари сирасига киради. Шу боис, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мукаммаллаштириш ва тарғиб қилишда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида фаолият юритмоқда.

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланган XI боб 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган бўлса, 50- моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган.***

**Урал ХАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси**